



The presentation of state independence issues in the programs of Turkestan political parties

Nigmonjon AZIZOV¹, Bakhodirjon KIMSANOV²

Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan State and law
Justice department of Naryn district of Namangan region

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2024

Received in revised form

15 September 2024

Accepted 25 September 2024

Available online

15 October 2024

Keywords:

Turkestan at the beginning of the 20th century, national liberation struggles, national political parties, Shora Islam, Shora Ulema, Turkestan autonomy, Ittihad va taraqqi, programs, activities, reforms of national political parties, awakening of national consciousness.

ABSTRACT

The article describes the socio-political situation that developed in Turkestan at the beginning of the 20th century, the national liberation struggles for state independence, its stages, the role played by local political parties in these struggles, the approaches of political parties to the issue of state independence, the goals, programs and activities of the "Sho'roi Islam", "Sho'roi Ulama", "Ittihad va taraqqiy" parties, the political and social reforms they implemented, the establishment and collapse of the Turkestan autonomy, the initiatives of the Jadids to awaken national consciousness and support national liberation movements through education and the press.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss10/S-pp363-370>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Туркистон сиёсий партиялари дастурларида давлат мустақиллиги масалаларининг ифодаланиши

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

XX аср бошларида Туркистон, миллий озодлик курашлари, миллий сиёсий партиялар,

Мақолада XX аср бошларида Туркистонда шаклланган ижтимоий-сиёсий вазият, давлат мустақиллиги учун миллий озодлик курашлари, унинг босқичлари, ушбу курашларда маҳаллий сиёсий партияларнинг ўйнаган роли, сиёсий партияларнинг давлат мустақиллиги

¹ Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan State and law Chief Researcher of the Institute, Dos., Professor. E-mail: n.azizov@islas.uz

² Chief adviser of the justice department of Naryn district of Namangan region. E-mail: bakhodirkimsanov@gmail.com

Шўрои Ислон,
Шўрои Уламо,
Туркистон мухторияти,
Иттиҳод ва тараққий,
миллий сиёсий
партияларнинг
дастурлари,
фаолияти,
ислоҳотлари,
миллий онгнинг
уйғониши.

масаласига ёндашувлари, “Шўрои Ислон”, “Шўрои Уламо”, “Иттиҳод ва тараққий” партияларининг мақсадлари, дастурлари ва фаолияти, амалга оширган сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлари, Туркистон мухториятининг ташкил этилиши ва қулатилиши, жадиждарнинг таълим ва матбуот орқали миллий онгни уйғотиш ва миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ташаббуслари баён этилган.

Представление вопросов государственной независимости в программах политических партий Туркестана

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

Туркестан в начале XX века, национально-освободительная борьба, национальные политические партии, Шурои Ислон, Шурои Уламо, Туркистон мухторияти, Иттиҳод ва тараққий, программы, деятельность, реформы национальных политических партий, пробуждение национальное сознание.

В статье анализируется общественно-политическая ситуация, сложившаяся в Туркестане в начале XX века, а также национально-освободительная борьба за государственную независимость. Рассматриваются основные этапы этого движения, роль местных политических партий, их подходы к вопросу независимости, а также деятельность партий «Шурои Ислон», «Шурои Уламо», «Иттиҳод и тараққий». Особое внимание уделено политическим и социальным реформам, инициативам по созданию и последующему распаду Туркестанской автономии. Кроме того, в статье освещаются усилия джадидов, направленные на повышение национального самосознания и поддержку освободительного движения через образование и деятельность в области печати. Рассматриваются их инициативы, способствующие развитию национальной идентичности и укреплению духа сопротивления в условиях колониального господства.

XX аср бошларида Туркистон ўлкаси мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятни бошдан кечираётган эди. Европа давлатларида миллий давлатчилик ривож топаётган, давлат бошқарувининг замон талабларига мос бўлган республика, парламентар монархия каби шакллари кенг тарқалиб, иқтисодий муносабатлар гуллаб-яшнаётган бир даврда рус истилосига учраган минтақамизда бюрократия, ерга эгалик қилишнинг ўрта асрларга хос бўлган кўринишлари, жар ёқасидаги иқтисодий вазият ҳукмрон эди. Бу эса Россия империяси томонидан амалга оширилган маъмурий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий сиёсат натижаси эди.

Рус империясининг I жаҳон уруши гирдобига тортилиши, 1917 йил феврал ва октябр ойларида Романовлар сулоласига қарши юз берган инқилоблар, РСФСР нинг ташкил этилиши, 1918 йилнинг ёзида бошланиб 1920 йил охирига қадар давом этган фуқаролар уруши, чет давлатлар томонидан уюштирилган интервенциялар Туркистон ўлкасида юз бераётган жараёнларга таъсир этмай қолмади.

Маълумки, Туркистон учун кураш кўплаб тадқиқотчиларни ўзига жалб этиб келган. Ушбу даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, жумладан, Туркистон халқларининг миллий озодлик курашлари Ж. Тошқулов, И. Турсунов, С. Холбоев, Н. Азизов, С. Аъзамхўжаев, А. Мингноров, Т. Тўғаев, Б. Қосимов, Х. Зиёев, Адиб Холид, К. Базарбаев, Т. Ҳазрет, Р. Садйкова, Г. Ўзтурк, Р. Абдуллоҳ, Б. Ҳайит, Али Бодомчи ва бошқалар томонидан атрофлича ўрганилган ва мавзу доирасида илмий изланишлар олиб борилган.

Жадидлар подшо ҳокимиятининг ағдарилиши натижасида рус ҳукмрон доирлари ўртасида юзага келган курашлар ҳамда болшевиклар томонидан марказий ҳокимиятни қўлга киритиш учун восита сифатида илгари сурилган демократик шиорлар асосида Туркистон ўлкасининг мустақиллигини қўлга киритишга уриниб кўрдилар. Ушбу кураш Туркистон мухторияти зўрлик билан қулатилгунига қадар бўлган биринчи босқичда дипломатик воситалар ёрдамида, мухторият қулатилганидан сўнг бошланган иккинчи босқичда эса қурол кучи билан амалга оширилди.

“Туркистонда 1916 йилга қадар ҳам фаолият кўрсатган миллий жамиятлар 1917 йилдан бошлаб ўз олдиларига сиёсий вазифа ва миллий озоддик ғояларини қўйган ташкилотларга айлана борди. 1917 йилнинг дастлабки ойдан бошлаб “Шўрои Исломия”, “Турон”, “Уламо”, “Иттифоқ”, “Турк Адам Марказият” фирқаси каби кучли миллий ташкилотлар, йигирмага яқин миллий жамият ва тўғарақлар тузилди” [1.-С.1]. Маҳаллий аҳолининг катта қисми ҳам европалик йўлбошчилар изидан эмас, маҳаллий етакчилар ортидан уюшиб бордилар.

Ушбу даврдаги сиёсий партиялар орасида “Шўрои Исломия” ва “Шўрои Уламо” каби партияларнинг фаолияти алоҳида ажралиб турар эди.

“Шўрои Исломия” дастлаб 1917 йил 12 март кунидан бошлаб ўзининг фаолиятини бошлаган [2]. “Шўрои Исломия” бюросининг асосий мақсади Туркистоннинг туб ерли аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиш эди. Миллий сиёсий жамиятларнинг тузилишида Мунаввар Қори Абдурашидхонов, А. Авлоний, Л. Азизода, Абдулвоҳид Қори, М. Бехбудий, Каттахўжа Бобохўжа ўғли, Т. Норбўтабеков, Ш. Раҳимий, У. Хўжаев, А. Фитрат, М. Чўқаев, Ҳожи Муин Шукрулло, Ғ. Юнусов, Абдулсами Қори Хидоятбой ўғли, Саидалихўжа Турсунхўжа ўғли каби етук зиёлиларнинг ҳиссалари ниҳоятда беқиёс бўлган [1.-С.4].

Бундан ташқари “Шўрои Исломия” таъсирида жойларда “Турон”, “Иттиҳоди тараққий”, “Гулистон”, “Хуррият”, “Мирваж-ул Ислом”, “Озод халқ”, “Маърифат”, “Равнақул Ислом”, каби ташкилотлар вужудга келган.

“Шўрои Исломия”нинг турли даврлардаги мажлисларида ушбу даврдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда бир қанча мавузлар муҳокама қилинган. Масалан, 1917 йил 9 апрел кунидаги мажлисда Биринчи жаҳон уруши, ташкил этилган муваққат ҳукуматга муносабат, келажакда тузиладиган Россия бошқарув тизими, Туркистон халқларига янги ҳукуматнинг дастурини тушунтириш, эски ҳукумат маъмурларини ишга жойлаш, Туркистон шаҳар Думаларига сайлов тартиби ва янги Дума идорасининг тартиби ва тақсими, таъсис мажлисига халқни тайёрлаш, Туркистонда озиқ-овқат, сув, ер каби масалалар ҳақида партиянинг қарашлари баён қилинган ва халқ оммасига етказилган [3].

1917 йил 28 апрел куни қабул қилинган “Шўрои Исломия” муваққат қонунига назар ташлайдагина бўлсақ, дастурнинг мақсади сифатида Туркистон мусулмонлари орасида сиёсий, илмий ва ижтимоий жиҳатдан замонга мувофиқ

фикрни тарқатиш; бутун Туркистон мусулмонларини бир мақсад сари йўналтириш ва катта сиёсий орган орқали бирлаштиришга ҳаракат қилиш; халқни янга ҳукуматнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда кенг иштирок этишга чақириш; мамлакатнинг идора усули ҳақида маълумот тарқатиб, ташкилот мажлисига тайёрлаш каби вазифалар белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари дастурнинг қолган қисмларида ҳам жамият ҳаёти учун иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий-маърифий жиҳатдан муҳим бўлган муаммолар акс этган эди [4].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, партия аъзолари Аввалданоқ мамлакат мустақиллиги ғоясини илгари сурмаганлар. Бу даврда партия дастурида аҳолини босқинчиларга қарши кўзғалишга, қуроли ҳаракатларни бошлашга чақириқлар кўзга ташланмайди. Бу эса “Шўрои Исломия” дастлаб мустақиллик учун курашнинг демократик усулларини тарғиб этганидан, қурол кучисиз, дипломатик воситалар орқали юрт озодлигига эришмоқчи бўлиб ҳаракат қилганидан дарак беради. “Жумладан, ташкилот ташаббуси билан Тошкентда 1917 йил 16–23 апрел кунлари Туркистон мусулмонларининг II қурултойи чақирилди. Унда Аҳмад Заки Валидий Тўғон “Давлатни бошқариш ва уни ташкил этиш ҳақида” маъруза қилди. Маърузада демократик Россия таркибида Туркистон миллий-ҳудудий федералистик республикаси тузиш ғояси илгари сурилди” [5.-С.282].

Матбуотдан дастлаб аҳолининг маърифий-маданий савиясини ўстириш ёълида фойдаланган жадидлар оммавий ахборот воситаларини сиёсий мақсадларда ҳам қўллаб бошладилар. Жумладан, ушбу давр матбуотида сиёсий жараёнларни ёритишга бағишланган, партиялар ва жамиятларнинг фаолиятини очиб берувчи, қурултой материаллари ҳақидаги, маҳаллий зиёлилар томонидан у ёки бу муаммони ёритишга ҳаракат қилинган мақолалар нашр этилган.

“Таълим ислоҳоти билан шаклланган ғоялар бир мунча вақт ўтгач, миллий онгнинг яралишига олиб келди. Матбуот орқали оммага етказилган бу ғоялар жадидчилик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга замин яратди. Дастлаб таълим соҳасида ислоҳот бўлишини истаган зиёлилар миллий онгни ривожлантириш йўлида муҳим қадамлар ташлаб, ўзлари очган мактаблар ўқув дастурига дунёвий фанларни киритиш орқали анъанавий таълим тизимида жиддий ўзгаришларни амалга оширдилар” [6.-С.113].

Жадидларнинг матбуот, таълим соҳаларидаги фаолиятларини таҳлил қилиб хулоса қилиш мумкинки, жадидлар томонидан таълим ислоҳотларининг амалга оширилиши, иқтидорли ёшларнинг чет элга ўқиш учун юборилиши, матбуот ишларининг йўлга қўйилиши, таъбир жоиз бўлса, миллий озодлик ҳарактларига тайёргарлик, юрт озодлиги йўлидаги илк қадамлар эди.

Ушбу даврда Туркистон миллий истиқлоли учун курашда “Шўрои Уламо” ҳам фаол иштирок этди. “Шўрои Уламо” аъзолари қатъий консерватив қарашларга эга эдилар ва улар “қадимчилар” деб аталарди. Ташкилот аъзолари Туркистон мустақиллигини фақат мустамлакачиларга қарши уруш олиб бориш, қуроли қаршилиқ кўрсатиш йўли билан қўлга киритиш мумкин деб ҳисобларди.

Уламочилар, айниқса, 1917 йил сентябр ойида бўлиб ўтган Умумтуркистон мусулмонлари II қурултойидан олдин аҳоли ўртасида ўзларининг тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтирдилар. Жумладан, “Ушбу анжуман олдида Тошкентдаги “Шўрои Уламо” жамияти аъзолари тараққийпарвар ёшларни халқдан

ажратишга ҳаракат қилдилар. Бошқа шаҳарларга мактуб ва махсус одамлар юбориб, аҳолини бу қурултойга келмаслик учун ташвиқот олиб бордилар. Улар бу бир динсизлар қурултойи, дея халқ орасига иғво тарқатдилар. “Уламо”нинг бу ишидан бутун Туркистон, қолаверса, Россия ва Кавказ мусулмонлари ҳам қаттиқ ранжидилар”, – дейилади манбаларда [7]. Натижада эса, қурултойга уч-тўрт юз киши келиши кутилган бўлса-да, ихтилофнинг таъсири оқибатида 100 дан ортиқ вакил қатнашди холос [1.-С.17-18].

Шу каби баъзи муаммоларга қарамай ватанпарвар етакчилар 1917 йил 26–28 ноябр кунлари Қўқонда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойида Туркистон мухторияти эълон қилинишига эришдилар. Бу эса минтақадаги миллий-демократик кучларнинг илк ғалабаси эди. Қурултойда тарихий аҳамиятга эга бўлган декларация қабул қилинди. Унда Туркистон мусулмонларининг тўртинчи фавқулодда қурултойи ўлка халқларининг иродасини амалга ошириб, Россия республикаси таркибида федерация асосида қурилган ҳудудий мухторият эълон қилинганлиги, мухториятнинг ташкил этилиши умумтуркистон халқларининг Таъсис мажлисида ҳал этилиши, ўлкада яшовчи барча халқларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъкидланди [8].

Бироқ Туркистон мухторияти эълон қилиниши “Шўрои Уламо” томонидан қўллаб-қувватланмади. Мустамлака ҳукуматига қарши кураш учун бирлашган бу ҳаракат, гуруҳларга бўлиниб кетди. Бу тўғрисида жадидларнинг “отаси” сифатида танилган Беҳбудий афсус билан шундай деган эди: “Бизнинг эътиқоддаги тафовутларимиз бирликни бузди, бу балолар бизнинг бахтсизлигимиздир. Агар Туркистон бирлашганида эди, ерни ларзага келтира оладиган 15 миллион кишилик қудратнинг эгаси бўлар эди” [9.-С.93].

Марказдаги болшевиклар томонидан илгари сурилган демократик ғояларнинг пуч шиор эканлиги, ҳеч қандай амалий натижаларга олиб келмаслиги исботланиши учун узоқ вақт талаб этилмади. Ҳокимиятни эгаллаш ва подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини янгича кўринишда давом эттиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган советлар Туркистон мухториятини ўз мақсадларига эришиш йўлида жиддий хавф деб билдилар ва уни тугатиш пайига тушиб қолдилар. Болшевиклар арман дашноқларидан фойдаланган ҳолда ўлкада мисли кўрилмаган қирғин амалга оширдилар ва шу тариқа 1918 йил 19 феврал куни Туркистон мухторияти қурол кучи билан ағдариб ташланди. 1918 йил май ойига келиб эса “Шўрои Исломия” ва “Шўрои Уламо” ташкилотлари ҳам болшевиклар томонидан тугатилди.

Туркистон мухториятининг қонга беланиши сабабли жадидлар босқинчилар билан муросаи-мадора ёъли орқали маҳаллий аҳоли бахт-саодатини таъминлаб бўлмаслигини, юрт озодлигига фақат ва фақат қурол кучи билан эришиш мумкинлигини англаб етдилар. Натижада, минтақада советлар томонидан “босмачилик ҳаракати” дея хаспўшланган миллий озодлик курашлари бошланиб кетди.

Маҳаллий партиялар асосчилари эса “босмачилик ҳаракати” нинг Туркистон давлат мустақиллигини қўлга киритишдаги аҳамиятини ҳам ўз вақтида англаб етдилар. “Мана шунинг учун ҳам жадидлар “босмачилик уруши” ни ягона қўмондонликка бўйсундиришга ва унга ғоявий ташкилий раҳбарлик қилишни ўз қўлларига олишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг баъзи бирлари тўғридан тўғри

қўрбоши бўлиб, душманга қарши жанг қилди. Бошқалари эса, қўрбошилар қароргоҳи ва ҳукуматларида маслаҳатчи ва ғоявий раҳбарлик вазифасини бажаришди. Шу билан бирга жадидлар қўрбошилар ўртасидаги ўзаро ихтилофларни бартараф қилишга катта куч сарфладилар” [10].

Жадидлар реал воқеликни англаган ҳолда юрт мустақиллигига эришишнинг мумкин қадар барча йўлларида фойдаландилар, ижтимоий-сиёсий ҳаётда аҳамиятга эга бўлган турли соҳалар (ҳокимият идоралари, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари, театрлар) да ҳам кураш олиб бордилар.

“Тадқиқотчилар миллий-озодлик кураши иштирокчилари тўртта тактик усуллардан фойдаланганлигини таъкидлайдилар: биринчидан, мустақиллик учун кўтарилган умуммиллий “босмачилик уруши” га махфий равишда ғоявий раҳбарлик қилиш; иккинчидан, махфий уюшган аксилкоммунистик сиёсий ташкилотларни ташкил этиб, бунга ёшларни кенг жалб этиш ва уларни тарбиялаш орқали миллат ва халққа мустақиллик руҳини сингдириш; учинчидан, совет ҳукумати ва унинг ғоявий-ташкилий асосчиси компартиянинг мустамлакачилик сиёсатини демократик асосда ошкора танқид қилиш; тўртинчидан, мусулмон коммунистик партияси (фирқа) ташкилотларини расман ташкил этиб, унга ёшларни кенг жалб этиш ва бу партиянинг ўша пайтдаги якка ҳукмронлик мавқеидан фойдаланган ҳолда миллий мустақилликни ҳамда миллат ва халқнинг манфаатларини ҳимоя қилиш [11].

Тадқиқотчиларнинг ушбу фикрларини маъқуллаган ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, мустақиллик учун кураш усуллари юқоридагилар билан чегараланмайди. Мустақиллик учун коммунистик партия сафида туриб кураш олиб борилганлигини (Т. Рисқулов, А. Авлоний, Мунавварқори ва бошқалар), болшевикларнинг зуғуми, тазйиқидан қувғинга учраб, хорижда бу курашнинг давом эттирилганлигини (А.Р. Бойсуний, А.З. Валидий, М. Чўқай ва бошқалар) ёддан чиқармаслигимиз керак [12.-С.88].

Туркистон мустақиллиги учун курашда бир нечта яширин ташкилотларнинг ҳам ўрни беқиёс бўлди. Шундай ташкилотлардан бири бўлган “Миллий иттиҳод” 1920 йилда Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов ҳамда Садриддинхон Шарифхўжаев ташаббуси билан “Иттиҳод ва тараққий” ва “Турк адам марказият” ташкилотлари асосида тузилди. Ташкилот аъзолари орасида Т. Жонузоқов, А. Зоҳирий, У. Асадуллахўжаев, С. Аҳрорий, С. Тиллахонов, А. Фитрат, М. Бурҳонов, О. Хўжаев, Усмон Хўжа, М. Аминов, П. Хўжаев каби зиёлилар ҳам бор эди. Улар ўз фаолиятларида болшевиклар муассасаларида хизмат қилаётган миллий ватанпарвар ходимларга таяниб иш кўрдилар. 1920 йилдан бошлаб эса ташкилот шўбалари Бухоро, Фарғона, Тошкент, Самарқанд ва Хоразмда ташкил қилинди. “Миллий иттиҳод” нинг дастлабки мақсадларидан бири Туркистон ўлкасини руслаштириш таъсиридан сақлаб қолиш эди.

Ушбу даврда юрт мустақиллигига эришилган тақдирда вужудга келувчи давлатни идора этиш учун ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Яъни, “истиқлолчилик ҳаракати жараёнида қатор ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, булар орасида 1922 йилнинг 15–20 апрелида миллий-озодлик ҳаракати вакиллари иштирокида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг иккинчи қурултойи томонидан тасдиқланган 36 моддадан иборат бўлажак мустақил Туркистон Республикасининг вақтинчалик Конституцияси – Низомнома катта эътиборга моликдир” [13.-С.202].

“Низомномадаги бош масала – бу ўлкада большевиклар ҳукмронлигига барҳам берилганидан сўнг мустақил Турк ислом республикасини ташкил қилиш эди. Низомноманинг умумий мазмунидан келиб чиқиб шуни қайд этиш жоизки, бу давлат бошқарув шаклига кўра президентлик, давлат тузилиш шакли бўйича унитар, сиёсий режим нуқтаи назаридан демократик республика бўлиши керак эди. Мафкура соҳасида эса бу республикада ислом дини ҳукмронлик мавқеини эгаллаши кўзда тутилган (шу даврдаги расмий маълумотларга кўра Туркистон аҳолисининг 95 фоизини мусулмонлар ташкил қилган). Низомномада диний толерантлик акс эттирилган” [12.-С.98].

Ўзбекистон ССР ташкил этилганидан сўнг сиқувга олинган “Миллий иттиҳод” 1925 йилнинг бошида ўзини тарқатилган деб эълон қилишга мажбур бўлди, кейинчалик эса унинг негизда “Миллий истиқлол” ташкилоти тузилди. Бироқ СССР мустақамлана бошлаши билан ташкилот ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. 1929 йил ноябрда Тошкентда Мунавварқори бошчилигидаги 38 киши (кейинчалик эса 87 киши) ташкилот аъзоси сифатида қамоққа олинди. “Миллий истиқлол” аъзолари турли йилларда қатағон қилинди ва юрт озодлиги учун интилган ушбу ташкилотнинг кураши ҳам большевиклар томонидан бостирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон зиёлилари давлат мустақиллигини миллий ўзликни сақлаб қолиш ва фаровонлигининг асоси сифатида кўрдилар. Шу боис барча сиёсий партиялар дастурларида давлат мустақиллигига эришиш масаласи марказий ўринга қўйилди. Бу эса ушбу даврдаги ҳаракатлар мағлубиятга учраганига қарамай, миллий уйғонишга хизмат қилди ва маҳаллий аҳоли қалбида озодлик ғояларининг илдиз отишида муҳим туртки бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Мингноров. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий-сиёсий ташкилотлар.–Т. Маънавият, 2002. –60 б.
2. Мамлакат идорасида алмашинув ва Туркистон. Улуғ Туркистон. 1917 йил 25 апрель.
3. Умумий мажлис. Нажот. 1917 йил 9 апрель.
4. “Шўрои Исломия” муваққат қонуни // Нажот. 1917 йил 28 апрель.
5. Б.Қосимов. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Т. Маънавият, 2002. –282 б.
6. Türkistan’da Ceditçilik ve Basın Faaliyetleri. Gülcennet Öztürk. İletişim Çalışmaları Dergisi Sayı 1 Yıl 2. 2016. –113 b.
7. Туркистон мусулмонларининг иккинчи қурултойи // Улуғ Туркистон. 1917 йил 10 сентябрь.
8. Улуғ Туркистон, 1917 йил 8 декабрь.
9. Jadidism as an Educational System and a Political Movement in Turkestan (Central Asia). Bazarbayev Kanat Kaldybekovich, Tursun Hazret & Sadykova Raikhan. International Education Studies; Vol. 6, No. 1; 2013. 93 с.
10. И.Турсунов, С.Холбоев. “Миллий истиқлол”. Жадид яширин ташкилотлари истиқлол йўлида // Ишонч. 1997 йил 19 феврал.
11. Н.П.Азизов. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашда сиёсий партияларнинг роли // Қонунчилик муаммолари ахборотномаси. 2021 йил, 3-сон. –Б.23-27.

12. Н.П.Азизов. Туркистон сиёсий партиялари дастурларида давлат мустақиллиги учун кураш ғояларининг ифодаланиши. Монография. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси. –Т. 2018 йил. –125 б.

13. Ж.У.Ташкулов. Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика. Т.IV., –Т., 1994. –232с.